



ТИНЧЛИК ВА ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ - ИЖТИМОЙ ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИ СИФАТИДА

Тогаев Нодиржон Эргашевич
Самақанд давлат университети
Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Аннотация: Ушбу мақолада мамлакатимиздаги барқарор тараққиётнинг асоси сифатида юртимизда мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб тинчлик ва хавфсизлик масалаларига эътибор қаратилганлиги ёритиб берилган. Шу билан биргаликда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, мамлакатимизнинг жаҳондаги обрў эътибори юксалиб бораётгани, халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилиши мисол сифатида келтирилган.

Калим сўзлар: тараққиёт, барқарор тараққиёт, хавфсизлик, тинчлик, фаровонлик.

Аннотация: В данной статье в качестве основ устойчивого прогресса нашей страны освещается внимание, уделяемое с самых первых дней независимости нашей родины, проблемам мира и безопасности. Вместе с этим в качестве примера приведены признание мировым сообществом обеспечение мира и стабильности, усиление авторитета нашей страны в мире.

Ключевые слова: прогресс, устойчивый прогресс, безопасность, мир, благополучие.

Abstract: In this article as a basis for sustainable progress of our country is enlightening the attention, given from the earliest days of independence of our country on problem with peace and security. With this as an example, the recognition of the international community for peace and stability, strengthening the credibility of our country in the world.

Key words: progress, steady progress, security, peace and prosperity.

Ҳозирда халқимиз ўз олдига эзгу ва улуғ мақсадлар қўйиб, тинч-осойишта ҳаёт кечириётган, авваламбор ўз кучи ва имкониятларига таяниб, демократик давлат ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш йўлида улкан натижаларни қўлга киритаётган бир замонда яшаймиз. Биз ўз тақдиримизни ўз қўлимизга олиб, азалий кадриятларимизга суяниб, шу билан бирга, тараққий топган давлатлар тажрибасини ҳисобга олган ҳолда, мана шундай олижаноб интилишлар билан олға бормоқдамиз.

Халқимиз асрлар давомида орзиқиб кутган озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаётни барпо этаётганимиз, бу йўлда эришаётган ютуқларимизни халқаро ҳамжамият тан олаётгани, бундай имкониятларнинг барчасини айнан мустақиллик берганини бугун ҳаммамиз чуқур англаймиз. Ана шу ҳақиқатни халқимиз ҳар томонлама тўғри тушуниб, танлаган тараққиёт йўлимизни онгли равишда қабул қилгани ва қўллаб-қувватлаётгани, олдимизга қўйган мақсадларга эришишнинг асосий манбаи ва гарови эканини ҳаётнинг ўзи тасдиқламоқда.

Аmmo бугунги глобаллашув даврида мамлакатимизда тинч ва осуда ҳаётни барпо этиш мустақилликни қўлга киритишга нисбатан оғир ва масъулиятли вазифа эканлиги аён бўлмоқда. Маълумки, жаҳон тарихида ўз сиёсий мустақиллигини қўлга киритгандан кейин уни ички ва ташқи душманлардан сақлаб қолиш, халқни бу масъулиятли ишга сафарбар этишга жиддий ёндаша олмаслик сабабли яна бошқаларга қарам бўлиб қолиш ҳолатлари ҳам кам эмас. Бу эса биздан доимо огоҳ бўлишни, мустақиллигимизни ҳар қандай ёвуз кучлардан қўз қорачиғидек асраб, ҳимоя қилиб яшашни талаб этмоқда. Бу ҳақда Президентимиз Шавкат Мирзиёев шундай таъкидлайди: “Жамиятда тинчлик ва осойишталикни таъминлашда ҳеч ким четда турмаслиги, “Ўз болангизни, ўз уйингизни, ўз Ватанингизни кўз қорачиғидек асранг!” деган шиор одамларимиз қалбидан чуқур жой олиши керак” [3].

Бугун дунёда қолаверса юртимизда тинч-тотув яшаш тамойили сиёсатимизнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Тинч-тотув яшаш инсонлар, миллатлар, давлатлар ва бирлашмалар орасидаги мурося ва ўзаро ҳамкорликка асосланган турмуш тарзида намоён бўлади. У турли ижтимоий тузумга мансуб мамлакатлар ўртасидаги хилма-хил муносабатларда урушдан воз кечишни, низоли масалаларни уруш воситаси билан эмас, балки музокаралар йўли билан уларнинг ички ишларига аралашмасдан, бир-бирларининг





Ўзаро қонуний манфаатларини ҳисобга олиб иш тутишни тақозо қилади. Бу тушунча халқларнинг ўз тақдирларини ўзлари мустақил ҳал этишлари, давлатлар суверенитети ва ҳудудий дахлсизлиги ҳамда уларнинг чегаралари мустаҳкамлигини қатъиян ҳурмат қилишни, тенг ҳуқуқлилиқ ва ўзаро манфаатдорлик асосига қурилган ҳамкорликни англайди.

Инсоният ўз ҳаёт йўлида турли уруш ва низоларга бой таҳликали кунларни кечирди. Бугунги кунда ҳам бу жараёнлар жаҳон сиёсатида учраб турганлиги ҳар бир инсонни хушёрликка чорлайди. Ядро урушлари ҳавфи, экстремизм, терроризм ва минтақавий можаролар ҳали хануз фуқаролар ҳавфсизлигига таҳдид солиб келмоқда. Мамлакатимизнинг биринчи Президенти Ислоҳ Каримов “Бизга тинчлик ва осойишталик керак. Биз ҳар бир оиланинг тинч-тотув яшаши тарафдоримиз ва шунга интилаётган сиёсатни қўллаб-қувватлаймиз. Шундай оғир синовдан ўтаётган бир пайтда халқимиз сабр-тоқат ва бардош билан, вазмин бўлиб, тинчликни сақлаш мақсадида жипслашиши керак” [5] - дея таъкидлаган эди.

Тинч-тотув яшаш умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқ ва шартномалардан келиб чиқувчи мажбуриятларни ҳалол бажаришни тақозо этади. Булар эса, ўз навбатида, алоҳида халқлар маънавиятида тинч-тотув яшаш эҳтиёжи, руҳиятининг қандай даражада аҳамият касб этиши билан белгиланади. Тинч-тотув яшаш жаҳондаги барча одамлар, давлатлар ва халқлар манфаатларига жавоб беради, улар ўртасидаги ҳамкорликнинг ривожланиши учун, фан ва техника янгиликлари, маданий ва маънавий қадриятлар билан ўртоқлашиш учун шароит яратади. Бундай яшаш тарзи халқларни ташқи ҳавф-хатардан қўриқлаб, миллий ва ижтимоий тараққиёт йўлидан мустақил ривожланишини таъминлайди, жуда кўп имкониятлар ва кишилар меҳнатидан бунёдкорлик мақсадларини кўзлаб, глобал муаммоларни ҳал қилиш учун шароит яратиб беради. Тинч-тотув яшаш йўли давлатлар ўртасидаги муносабатларда энг мақбул йўл эканини ҳаёт тобора теран исбот қилиб бормоқда.

Бундан уч минг йил аввал “Авесто” китобида кишиларнинг биргалашиб яшаши, инсонлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг ахлоқ нормаларига таяниши, ватанпарварлик, тинчлик - аҳиллик каби ғояларни илгари суради. “Тинчлик” сўзи Қуръони Каримда 40 марта учрайди. Бу муқаддас китобнинг оятларидан бирида шундай дейилади: “Ер юзида тинчликни бузиб, фасод-жанжал қилманглар. Ҳақ таолонинг раҳмати яхши эҳсон қилувчиларга яқиндир” [6].

Соҳибқирон Амир Темур ва унинг набираси Мирзо Улуғбек Мовароуннаҳрга ҳукмронлик қилган 40 йил мобайнида мамлакатда тинчлик ва барқарорликни устувор бўлгани сабабли илм-фан, маданият юксак тараққий этган, бунёдкорлик ишлари ривожланган, кўҳна заминимиз гуллаб - яшнаган. Аксинча, уруш ва низолар инсонни одамийлик қиёфасидан айиради, жамиятни буткул таназзул ботқоғига ботиради. Қирқ йилдан ортиқ ўзаро ҳарбий можаролар туфайли цивилизациядан батамом узилиб, дунёнинг энг қолоқ мамлакатларидан бирига айланиб қолган Афғонистон бунинг яққол далилидир.

Афсуски, айрим одамларнинг дунёқарашида тинчликни таъминлаш - бу давлат, ҳукумат ва ҳуқуқ тартибот соҳаси ходимларининг иши, деган нотўғри, лоқайдлик кайфиятидаги тушунча ўрнашиб қолганлиги ноҳуш ҳолатдир. Бироқ, тинчлик ва осойишталик ҳар бир инсонга дахлдор бўлган ҳаётини заруратки, уни сақлаш шу юртда яшайдиган ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчи бўлмоғи керак.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислоҳ Каримовнинг “Тинчлик учун курашмоқ керак” рисоласида таъкидланганидек, “тинчлик - Оллоҳнинг буюк неъматидир, ҳаммамиз учун ҳаётимиз асоси, барча орзу-умидларимиз манбаидир. Лекин, “тинчлик бўлсин”, деган мазмундаги сўзларни қайта-қайта тилга олар эканмиз, кўпинча унинг маъно-мазмунини нечоғли теранлиги ҳақида ўйлаб кўрмаймиз. Маъно-мазмунини англамаган сўзнинг эса таъсири ҳам, қадри ҳам бўлмайди. Бундай эзгу даъватлар замирида аниқ маъно ва амалий ҳаракат бўлиши керак” [4].

Инсоният тарихида барча миллат ва элатлар маданий бойлик сифатида, урф-





одатларига эса чексиз ҳурмат билан қараб келинган. Соғлом ахлоқий муҳитни шаклланиши орқалигина маънавий бойликларни сақлаб қолиш учун, аввало, қонли можароларга барҳам бериш, тинчлик, барқарорлик, тотувликни қарор топтириш, маданий мерос, осори-атиқалар, урф-одатларни асраб-авайлаш, дунё халқларининг илм-фан ютуқларидан бирдек баҳраманд бўлишига эришиш зарурлигини бугун бутун инсоният тушуниб этмоқда.

Тинчлик ва барқарорлик - бебаҳо неъмат, улуғ саодатдир. Башарият ўз тараққиётининг барча босқичларида, аввало, тинч-тотувликка интилиб келган, у - барқарор тараққиёт гарови эканлиги сир эмас. Ўзбек халқи тинчлик ва барқарорликни юксак кадрлайди, уни ўз орзу-интилишлари, мақсад-муддаолари рўёбга чиқишининг кафолати деб билади. Шунинг учун доимо Яратгандан тинчлик ва барқарорлик ҳамда омонлик тилайди. Лекин, афсуски, ҳаётда бу эзгу тилакларнинг ижобат бўлишига доимо қаршилик қиладиган кучлар ҳам бор. Улар ўзларининг ғаразли мақсадлари, нафс балоси йўлида башариятни ҳамиша низо-адоват, уруш ва қирғинбарот урушлар домига тортиб келади. Бу ҳақда Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлашча: “Барчамиз жаҳон куч марказлари ўртасида рақобат кучайиб бораётганининг гувоҳи бўлмоқдамиз. Боз устига, айрим экспертлар, у ҳатто ошқора қуролли тўқнашувга айланиб кетиш эҳтимолини ҳам инкор этмайди” [2].

Инсоният тарихига назар ташланса, кейинги беш минг йил мобайнида одамзот ўн беш мингдан зиёд катта-кичик урушларни бошидан кечирганини кўриш мумкин. Бу уруш ва тинчлик, хавфсизликни таъминлаш масаласи ҳанузгача инсоният олдидаги энг оламшумул муаммо бўлиб қолаётганидан далолатдир. Бу ҳақда муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев “Ҳозирги вақтда жаҳонда ва минтақамизда ҳарбий-сиёсий вазият кескин ўзгариб, миллий ва глобал хавфсизлик соҳасида хатар ва таҳдидлар тобора кучайиб бормоқда. Ана шундай ўта масъулиятли вазият ва ҳаётнинг ўзи эришган барча ютуқларимизни чуқур ва танқидий таҳлил қилишни барчамиздан талаб этмоқда”[7] - деб таъкидлайди. Ҳолбуки, башарият фақат тинчлик ва осойишталик барқарор бўлган тақдирдагина ўз олий мақсадларига эришади, моддий ва маънавий юксакликка кўтарилади.

Хавфсизлик муаммоси мустақил давлатчиликнинг шаклланиши ва жамиятда ижтимоий, сиёсий, иқтисодий манфаатларнинг қарор топиши билан бир вақтда вужудга келади. Чунки шу вақтдан бошлаб, барқарорлик, ривожланиш билан бир қаторда хавф-хатар, турли-туман таҳдидлар ҳам пайдо бўлиб, уларни ҳисобга олиш, уларга асосланиб, давлат стратегияси ва сиёсатини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш мамлакат хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Мамлакатимизнинг ҳозирги ташқи сиёсати ҳам айнан халқимизнинг тинчликпарварлиги, миллатпарварлиги, яхши кўшничилик ибрати, беғараз ва соф ниятли халқ эканидан далолатдир. Ўзбекистоннинг жаҳондаги обрў-эътибори юксалиб бораётгани, энг аввало, юртимизда демократик ва бозор иқтисодиёти ислоҳотларини амалга ошириш натижасида қўлга киритилаётган улкан ижобий ўзгаришларда, уларнинг халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилишида мужассам бўлмоқда.

Мамлакатимизда интеграция жараёнлари ва бозор ислоҳотларини ривожлантиришга, Марказий Осиё минтақасида умумий бозорни шакллантиришга алоҳида аҳамият бериб келмоқда. Шунини таъкидлаш лозимки, жаҳонда бир нечта ташкилотлар билан ҳамкорлигимиз минтақада хавфсизлик, тинчлик ва барқарор ривожланишни таъминлашнинг муҳим шарти ҳисобланади. Халқимиз муросаи мадора, қўшни ҳақи, халқ мулки, яхшилик нимаю, ёмонлик нима эканлигини жуда яхши билади. Унга хос “Бир кун уруш-жанжал бўлган эрдан қирқ кун барака қочади”, “Ён қўшни - жон қўшни”, “Қўшнинг тинч - сен тинч”, “Тинчликнинг боши бирликда” каби сермаъно мақоллар тинчлик, аҳиллик, ҳамжихатликнинг асл мазмун-моҳиятини акс эттириб, тарбиявий ахлоқий аҳамиятини таъкидлайди. Мамлакатимизнинг ҳозирги ташқи сиёсати ҳам айнан халқимизнинг тинчликпарварлиги, яхши кўшничилик ибрати, беғараз ва соф ниятли халқ эканидан далолатдир. Бу ҳақда мамлакатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев: “Турли хавф-хатарлар кучайиб бораётган бугунги таҳликали вазиятда бебаҳо бойлигимиз бўлган тинчлик-осойишталикни кўз қорачиғидек сақлашимиз, юртимиздаги миллатлар ва динлараро





хамжихатлик, ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибат муҳитини янада мустаҳкамлашимиз керак” [1] - деб таъкидлайдилар.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакат тинчлиги ва хавфсизлиги бебаҳо неъмат, улуғ саодатдир. Инсоният ўз тараққиётининг барча босқичларида, аввало, тинчлик ва тотувликка интилиб келган. Шунинг учун ҳам барча даврларда тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш умумбашарий муаммо бўлиб келган. Таъкидлаш зарурки, мамлакат тинчлиги ва хавфсизлигини таъминлаш муаммосини ўз-ўзидан кишиларнинг ҳоҳиш истаги, орзу-умидлари билан ҳал қилиб бўлмайди. Инсоният учун муқаддас бу қадриятга доимо изчил ва қатъий ҳаракатлар туфайлигина эришилган. Ватанпарварлик, Ватанга нисбатан садоқат билан хизмат қилиш, уни душманлардан ҳимоя этиш, юрт тинчлигини асраш, унинг озодлиги, мустақиллиги, равнақи ва фаровонлиги учун кураш, миллий манфаатларни ҳимоя қилиш орқали амалга оширишимиз лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз // Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд, - Тошкент: Ўзбекистон, 2018. 10 бет.
2. Мирзиёев Ш.М. Мамлакатлар ва халқлар ўртасидаги ишонч – хавфсизлик ва барқарор тараққиётнинг муҳим шартидир // Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-жилд, - Тошкент: Ўзбекистон, 2019. 326 бет.
3. Мирзиёев Ш.М. “Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси” // Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд, - Тошкент: Ўзбекистон, 2020. Б-35.
- Қуръони Карим. Аъроф сураси, 56 оят. –Тошкент: “Чўлпон”, 1992.
4. Каримов И.А. Тинчлик учун курашмоқ керак // Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. 10-жилд, - Тошкент: Ўзбекистон, 2002. Б-120-121.
5. Каримов И.А. Ўзбекистон - мустақилликка эришиш остонасида. - Тошкент: Ўзбекистон, 2011. Б-368 б.
6. Қуръони Карим. Аъроф сураси, 56 оят. –1992.
7. Халқ сўзи, 2017 йил, 14 январь.
8. Турабова С. К. ЗАМОНАВИЙ ШАРОИТДА ЯНГИЧА ФИКРЛАШ ТАРЗИ ВА АРГУМЕНТАТИВ КОМПЕТЕНТЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЎЗARO АЛОҚАДОРЛИГИ. – 2022.
16. Turabova, S. K., & Juraeva, V. F. (2019). THE SOCIO-POLITICAL SIGNIFICANCE OF THE PHENOMENON SCIENTIFIC DISCUSSION IN THE DEVELOPMENT OF THINKING OF THE PEOPLES OF THE EAST. Scientific Bulletin of Namangan State University, 1(8), 168-174.
17. Turabova, S. K. (2019). Social importance of the discussion in the development of civil society. Scientific Bulletin of Namangan State University, 1(6), 260-266.
18. Kattakulovna, T. S. (2022, April). SCIENTIFIC DISCUSSIONS AS AN INNOVATIVE METHOD OF COGNITION. In Conference Zone (pp. 116-117).
19. Axmedov B. Qorako'lchilik sohasini ilmiy tadqiqotlarda o'rganilishining ahamiyati //Journal of Social Sciences. – 2021. – Т. 2. – №. 01.
20. Mamasaliev M. M., Elboeva S. B. RELIGIOUS-PHILOSOPHICAL DOCTRINES OF SARVEPALLI RADHAKRISHNAN //Theoretical & Applied Science. – 2019. – №. 11. – С. 339-342.
21. Мамасалиев М. М., Бўриев И. И. Информационная безопасность учащихся-одно из основных направлений деятельности педагога //Фундаментальные основы инновационного развития науки и образования. – 2019. – С. 188-190.

